

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОМУРОДОВ ФЕРУЗ ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**КУРАШЧИЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 796.012.4.263:612

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бобомуродов Феруз Исмоилжонович

Курашчиларнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга дифференциал ёндашув.....3

Бобомуродов Феруз Исмоилжонович

Дифференцированный подход к совершенствованию технико-тактических действий курашистов с учетом морфологических показателей.....29

Bobomurodov Feruz Ismoiljonovich

Deferentiation in improving technical-tactical movements taking into consideration the morphological features of wrestlers55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОМУРОДОВ ФЕРУЗ ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**КУРАШЧИЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машгулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАҲЛЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Ped444 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Вардинашвили Исо Расулович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий охиносентлар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович.
биология фанлари доктори, профессор

Бакнев Зафар Абдушукурович
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Етакчи таъкилот:

Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» декабрь оят 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий Бино, мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (211345 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «15» декабрь даги 16 рақамли ҳесоб босномаси).



М.Р. Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х. Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Б.Б. Мусаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
ранси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунга келиб Ўзбек кураши барча давлатларда кенг оммалашмоқда, халқаро спорт майдонларида мусобақалар жараёнида «чала», «ёнбош», «ҳалол», «ташбеҳ», «дакки», «гирром» каби кураш атамаларининг қўлланилиши Ўзбек миллатининг дунёга танитишга хизмат қилмоқда. Миллий курашимиз бошқа халқаро кураш турлари орасида ўзининг жозибадорлиги, ҳалол кураш усуллари билан ажралиб туради. Кураш миллий спорт турини Олимпиада ўйинлари дстурига киритиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширишмоқда. Шу нуқтаи назардан юқори малакали курашчиларнинг тайёргарлик тизимини оптимallasштириш, спортчиларнинг морфофункционал кўрсаткичларини шобатга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган услубиятларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда курашчилар тайёргарлигининг машғулот жараёнини илмий асосланган ҳолда тузиш, машғулот юкламаларини меъёрлаш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Миллий курашчиларнинг тана тузилишини шобатга олган ҳолда «ташлан» техник усулини бажаришда ҳаракатларнинг биомеханикавий таҳлиliga асосланиб техник-тактик ҳаракатларни такомиллaштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган. Аlиникса, спортчиларни тайёрлаш жараёнида уларнинг морфологик, функционал, генотипик кўрсаткичларига асосланган илмий тадқиқот ишлари чуқур таҳлил қилинмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш, биринчи навбатда, китга жисмоний юкламалар таъсири натижасида спортчилар организмиде содир бўладиган жараёнлар тўғрисида фундаментал билимларнинг ўта муҳимлиги, шунингдек, мураббийларнинг бундай билимларга эга бўлиши билан боғлиқдир.

Бугунги кунда республикамызда миллий спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири «Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш» ҳисобланади¹. Мамлакатимиз курашчиларининг юқори натижаларга эришиши учун техник-тактик тайёргарликнинг самарали ва кафолатли воситалари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Бир қатор олимлар томонидан миллий кураш спорт турида курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги юзасидан кўлиаб илмий-услубий ишланмалар яратилган бўлиб, бироқ уларда белланув жараёнида юзага келадиган тез ўзгарувчан шарт-шароитларда, рақиб билан фаол тўқнашув натижасида пайдо бўладиган чагиттувчи омиллар бор вазиятларда техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини ошириш масалалари чуқур ўрганилмаган. Демак, курашчилар томонидан бажариладиган «шоҳ» усулларни биомеханикавий таҳлил асосида илоҳида фазаларга бўлиб бажарилишида иштирок этувчи

¹Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги ЎРК 191-сонли Қонуни Т.х.из

таянч-харакат аппарати иши морфокинезиологик нуқтаи назардан таҳлил қилинмаган ва техник-тактик ҳаракатларнинг «заиф» томонларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда индивидуал ёндашувнинг муҳимлиги аниқланмаган. Курашчиларнинг техник–тактик тайёргарлиги бўйича илмий манбаларда курашчилар машғулот жараёнида кенг қўлланиладиган «ташлаш» усулининг техник ҳаракатларини амалга ошириш фазаларини морфобиомеханикавий ёндашув асосида илмий текшириш ишлари назардан четда қолган.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-3994–сон «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги 893-сонли «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш» устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Профессional спортчиларни тайёрлашда юқори шиддатга эга юкламаларнинг қўлланилиши спортчиларнинг организмга катта талаблар қўймоқда. Жисмоний юкламаларга спортчилар организмнинг функционал захирасини имкон қадар максимал сафарбар этишни тақозо этувчи фавқуллодда шароитлар сифатида қараш мумкинлиги Ф.А.Керимов, Р.Д.Халмухамедов, В.И.Дубровский, Н.Д.Граевская, М.Р.Гуйган тадқиқотларида эътироф этилган.²

Ҳар бир спорт турида тегишли машғулотларда рекорд натижага эришиш имкониятини таъминловчи ўзига хос морфофункционал кўрсаткичларга эга бўлган индивидларни саралаб олиш муаммолари қуйидаги олимлар: Б.А.Никитюк, Р.Н.Дорохов, Д.Д.Сафарова, И.К.Забалуева, Е.М.Комиссарова, Т.В.Панасюк, Н.Ю. Неробеевларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.³

² Халмухамедов Р.Д. Динамика показателей общей физической подготовленности юных борцов на этапах подготовки. // Теория и практика физической культуры и спорта, Москва, 2008. - С. 53-54; Дубровский В.И. Спортивная медицина - М: ВЛАДОС, 2002. - 510 с. (стр. 66,191, 231 -235, 266- 392); Граевская Н.Д. К вопросу об организации и методики врачебных наблюдений за высококвалифицированными спортсменами. //Современный олимпийский спорт и спорт для всех: УШ международный научный конгресс -М.,2003.-С.40; McGuigan M.R. Relationship between isometric and dynamic strength in recreation ally trained men/ McGuigan M.R., J.B. Winchester, T. Ericson // Journal of Strength and Conditioning Research - 2010, Vol. 27, N9, P-2570 - 2573

³Никитюк Б.А. Адаптация, конституция, моторика //Теория и практика физической культуры. - Москва, 1989. №1. - С. 40-42; Дорохов Р.Н. - Основа и перспектива возрастного соматотипирования. //Теория и практика физической культуры.- Москва, 2000.- №9. - С. 10; Сафарова Д.Д. и др. Фено-генетические особенности формирования морфотипов у спортсменов различных специализаций на этапе повышения спортивной мастерства. //Педагогик таълим, 2003, №3, стр. 59-62; Забалуева И.К. Формирование телосложения: социологический аспект //Теория и практика физической культуры.- Москва, 2007.- №3, с.33-35; Комиссарова Е.М., Панасюк Т.В. Конституциональная принадлежность человека как интегральная характеристика его телесности //Телесность как социокультурный феномен: Опыт междисциплинарного анализа: Тез. докл. между. науч. практ. конф. 28-29 апреля 2009. – М., 2009.-С. 66-67; Неробеев

Спортчи тана тузилишининг морфологик тавсифлари, ҳаракат фаолиятининг айрим параметрлари, айрим физиологик кўрсаткичлар, яъни жисмоний ишчилик қобилиятининг интегратив кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда муайян бир спорт фаолиятига бўлган қобилиятларни башорат қилиш масалалари Д.Д.Сафарова, А.А.Похачевский, Г.Иванов ишларида ўритилган.¹

Спорт амалиётида В.Ф.Бойко, В.А.Данько, О.И.Коломиец, Л.В.Сафонов, А.Н.Корженевский каби олимлар томонидан бошқарув усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёрдамида машқлар бажариш жараёнини шу жараёнинг ўзида асосий тавсифлари бўйича олий спорт маҳорати даражасига яқинлаштириш учун жадаллаштириш имконияти мавжуд. Адабиётлардаги дастурлар ва услубий ишланмаларда курашчиларни тайёрлишида техник ҳаракатларни дифференциал тарзда ривожлантириш масалалари назардан четда қолган. Миллий кураш спорт тури билан шугулланувчи спортчиларнинг соматотиплари шаклланиши жараёنлари тадқиқ қилинмаган, тана массасининг композицион таркиби бўйича мильумотлар йўқ, курашда ихтисослашадиган спортчиларнинг тана пропорциялари хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Курашчиларнинг профессионал фаолияти давомида улар организмда ривожланувчи салбий ҳолатлар ва улар билан боғлиқ бўлган кўп учраб турувчи техник хатолар ҳамда уларни бартараф этish масалалари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Юқоридагилар маъқур тадқиқотларни ўтказиш долзарб ва зарур эъқалигини асослаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уларни янгилаш тактикаси ва стратегияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спорт такомиллашуви босқичида шугулланувчи курашчиларнинг морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга дифференциал ёндашув услубиятини ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Похачевский А.А. Теория тактической подготовки спортсменов в вольной борьбе с учетом влияния телового диморфизма: дис. д-ра физ. наук: 13.00.04. Самара – Пенза, 2011. 286 с.

² Сафарова Д.Д. и др. Физиологические особенности формирования морфотипов у спортсменов различных специализаций на этапе подготовительного мастерства //Издания таълим, 2003, №3, стр. 59-62; Похачевский А.А. Восстановление физической работоспособности квалифицированных борцов самбо в годичном цикле подготовки //Ученые записки университета имени П.Ф.Лесгафта, 2011, №11, 011, с. 136-140; Павлов А.П. Физиологические и технические аспекты восстановительных дыхательных упражнений в вольной самборьбе //Ученые записки университета имени П.Ф.Лесгафта, 2013, № 6, (100), с. 56-59.

³ Бойко В.Ф., Данько В.А. Физическая подготовка борцов / Киев, изд-во «Олимпийская литература», 2002, стр. 218 (использованы 124-145 с.); Бурлаков Г.И. Квантовые воздействия и оптимизация психо-физического состояния спортсменов на примере спортивных единоборств //Ученые записки университета имени П.Ф.Лесгафта, 2011, №6, стр. 86-90; Сафонов Л.В. Оценка эффективности реабилитационно-восстановительных мероприятий средствами повышения работоспособности и коррекции восстановления у спортсменов спортивной борьбы вольной борьбы (на примере самбо) //Вестник спортивной науки - 2017, №2, стр. 37-40; Корженевский, А.А.Исследования в спортивной физическом образовании //Вестник спортивной науки, 2017, №3, стр. 41-44.

Тадқиқотнинг вазифалари:

курашчиларнинг физиологик кўрсаткичларини индивидуаллаштириш тамойили асосида уларнинг функционал ҳолати, жисмоний ишчанлик қобилияти ва захира имкониятларини ташхис қилиш;

қўлланиладиган анъанавий «ташлаш» ҳаракатларининг классификацион схемаси ўрнига ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ва биомеханикавий ёндашув асосида такомиллаштирилган классификация ишлаб чиқиш;

курашчиларга ҳаракатларни сифатли бажаришга ҳалақит берадиган мускул-тонусли асимметрия ҳолатини аниқлаш асосида релаксацион йўналишга эга бўлган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

курашчиларнинг тана массасини ташкил этувчи компонентларнинг миқдорий нисбати асосида аниқланган соматотиплар вариациялари орасида миллий кураш талабларига жавоб берадиган доминант соматотипни ва курашчилар техник-тактик тайёргарлигининг сифат ва сон тавсифлари динамикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида курашчиларнинг морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети курашчиларнинг морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатлари натижадорлигини оширишда қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва услубиятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар, педагогик тестлаш, инструментал услуб, антропометрия, соматоскопия усули, морфобиомеханикавий ёндашув, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий кураш спорт турида ихтисослашувчи курашчиларнинг функционал ҳолати бўйича (жисмоний ишчанлик даражаси, аэроб имкониятлари, муддатлари, адаптацион захиралари, гемодинамика кўрсаткичлари) истикболли физиологик ташхислаш усули қайта тикланиш имкониятларига асосланиб такомиллаштирилган;

илк бор курашчиларнинг машғулот жараёнида кенг қўлланиладиган «ташлаш» техник ҳаракатларига морфобиомеханикавий ёндашув асосида янги тик туриш фазаси киритилиб (1. Тик туриш фазаси. 2. Ушлаб олиш фазаси. 3. Танани мувозанатдан чиқариш фазаси. 4. Ташлаш фазаси. 5. Йиқитиш фазаси), классификацион схема ишлаб чиқилган;

курашчиларга техник-тактик ҳаракатларни сифатли бажаришга ҳалақит берадиган мускул-тонусли асимметрия ҳолатини аниқлаш асосида ишлаб чиқилган релаксацияга йўналтирилган махсус машқлар мажмуасидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилган;

миллий кураш бўйича мусобақа беллашувида «қўқракдан орқага ошириб ташлаш» усулини қўллашда техник-тактик тайёргарликнинг сон ва сифат

кўрсаткичлари асосида, брахиоморф самототипига эга спортчилар долихоморф самототипига эга бўлган спортчиларни осон енгىш хусусиятлари илмий ва амалий неботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Олинган илмий тадқиқот натижалари юқори малакали яккакурашчилар, жумладан, курашчиларнинг ўқув-машғулотларида қўллаш учун дастурий-услубий хужжатларни яратишда, кураш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилади.

Комплексе ёндашувнинг қўлланилиши, жумладан, нафақат замонавий педагогик воегитлар, балки тиббий-биологик усулбларнинг қўлланилиши фойдаланиладиган усуллар арсеналини торайтириб, хужум ва ҳимояланишнинг муайян усулларини аниқлаб олган ҳолда курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини оширишга имкон беради.

Техник ҳаракатнинг стақчи фазаларини бажаргандан сўнг бушангитришга йўналтирилган машқларнинг қўлланилиши «стақчи» элемент функциясини кучайтириш ҳамда табиий ҳаракат элементлари тузилмасини тартибга солиш ҳисобига ўрғанилаётган ҳаракатларнинг натижадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган кўйилган тақифларни ҳал этиш ва дастлабки тақмишларни текшириш учун спорт тақомиллашуви босқичида шугулланаётган курашчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги даражасини бақолашнинг педагогик, тиббий-биологик тадқиқот услублари комплексидан фойдаланилган. Машғулот цикли босқичларида курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ҳолатини бақоловчи ишончли ҳамда объектив услублар ва тестлар тақлаб олинган. Тақлаб олинган тадқиқот услублари тўғри ва тадқиқот вақифларига мос келиди. Текширилаётган спортчилар сайланмаси сон ва сифат жиқатдан репрезентативлиги билан ажралиб туради, шу сабабли олинган натижалар ўзининг объективлиги ва ишончилиги билан диққатга сазовор. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқишда математик статистика услубларининг қўлланилганлиги уларнинг ишончилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ақамияти.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий ақамияти шундаки, кураш илмий спорт турида спорт тақомиллашуви босқичидаги курашчиларнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатларини тақомиллаштиришга бўлган дифференциал ёндашув услубияти ҳамда спортчиларнинг гемодинамика ва жисмоний ишчанлик қобилиятининг иқборотли кўрсаткичлари асосида машқланганлик ҳолатини башоратловчи аниқ метонлар ишлаб чиқилган. Асосий назарий қоидалар талабалар ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари тинловчилари учун маврузаларда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий ақамияти шундаки, ишлаб чиқилган услубиятларнинг қўлланилиши спортчилар ҳаракат имкониятларини тўлиқ илмига оширишга имкон берган, бу тақрибада катнашган бир қатор

курашчиларнинг ёшлар ўртасидаги йирик республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишига ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи курашчиларнинг морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

кураш миллий спорт турида ихтисослашаётган курашчиларнинг функционал ҳолати (жисмоний ишчанлик даражаси, азоб имкониятлари, қайта тикланиш муддатлари, адаптацион захиралари, гемодинамика кўрсаткичлари) бўйича истиқболли физиологик ташхислаш усули «Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-071рақамли гувоҳнома) ва Чирчиқ шаҳридаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ва Қарши шаҳридаги «Кураш маркази»нинг ўқув-машгулотлар жараёнига жорий қилинган. Натижада республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнаша оладиган 10 нафар истиқболли курашчилар аниқланган;

курашчиларнинг машгулот жараёнида кенг қўлланиладиган «ташлаш» техник ҳаракатларига янги тик туриш фазаси киритилиб, ишлаб чиқилган классификацион схема асосида «Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-071рақамли гувоҳнома). Натижада курашчилар томонидан бажариладиган ҳаракатларнинг сифат тавсифлари ва курашдаги техник-тактик ҳаракатлар натижадорлиги 13,9 % га ошган;

курашчиларга ҳаракатларни сифатли бажаришда ҳалақит берадиган мускул-тонусли асимметрия ҳолатини аниқлаш асосида релаксацион йўналишга эга бўлган машқлар мажмуаси «Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-071рақамли гувоҳнома). Натижада курашчилар томонидан бажариладиган ҳаракатларнинг сифат тавсифлари ва курашдаги техник-тактик ҳаракатлар натижадорлиги 12 % га яхшиланган;

курашда ташлаш ҳаракатини брахиоморф самототипига эга спортчилар усулни техник-тактик тайёргарликнинг сон ва сифат кўрсаткичлари асосида осон қўллаши «Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-071рақамли гувоҳнома) ва Қарши шаҳридаги «Кураш маркази»нинг машгулотлари жараёнига жорий қилинган. Натижада спортчилар томонидан техник-тактик ҳаракатларнинг ҳар бир элементининг бажарилиш аниқлиги яхшиланган ва ушбу махсус ҳаракат сифатлари 4,5% дан 10,4% гача ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий–услубий иш, жумладан, 1 ўқув қўлланма, 3 ўқув

-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этини таъсия қилинган илмий журналларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, амалий таъсиялардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил қилиб, 8 та жадвал, 4 та рисун, иллюстрация ва жорий этиш далолатномаларидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор бўлишини таъсия қилиш, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «Муаммонинг адабиётларда ўрганилганлик ҳолати» деб номланган биринчи бобида спорт тайёргарлиги тамойиллари, хусусан, индивидуаллаштириш тамойилига бўлган классик ва замонавий ёндашулар муҳокама қилинган. Индивидуаллаштириш тамойили универсал бўлиб, барча ёш тоифаларидаги спортчиларга ҳамда ҳар хил турдаги спорт вазифасининг вакилларига тегишлидир. Спорт машғулотларини индивидуаллаштириш, О.И.Павлова, 2004; фикрича, ўз тамойилларига эга ва улар перархик даражаларга мос ҳолда жойлашади. Ёш спортчиларни бошлашчи чуқурлаштирилган спорт машғулотлари босқичида тайёрлашда улар организмнинг функционал ҳолати, умумий ва махсус ишчанлик қобилиятини баҳолашни ўз ичига олувчи мезонлар комплекси асосида индивидуал индидуал жисмоний сифатларни инобатга олиш зарур [В.И.Шанишкова, 1984; О.И.Павлова, 2004; В.С.Рубин, 2009; М.В.Арансон, 2017; Б.Ж.Ядгаров, 2011].

Спорт курашининг ҳар хил турларида юқори натижаларга эришишда техник тайёргарлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф эта туриб, машғулот жараёнида шундай тайёргарлик механизмларидан фойдаланиш лозими, улар спортчи жисмоний тайёргарлигининг таркибий қисми бўлган

ҳаракатларнинг аниқ бажарилишини такомиллаштиришга ҳамда объектив назорат қилишга имкон бериши лозим [Ш.А.Мирзакулов, 2013; Н.А.Тастанов, 2014; У.И.Байтурасев, 2016].

Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларда кураш мураббийлари ва педагоглари томонидан машғулот жараёнини тузишда тайёргарлик воситаларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда [Ф.А.Керимов, 1990, 2001; И.Х.Боймуродов, Б.Каримов, 2009; Ш.А.Мирзакулов, 2014; И.Х.Боймуродов, Р.С.Шукуров, 2009]. Муаллифларнинг фикрига кўра, куч сифати асосий жисмоний сифатлардан бири эканлиги сабабли, уни такомиллаштириш учун мушакларни керакли йўналишда ривожлантириш, яъни режалаштирилган машқлардан фойдаланиш ва бунинг учун ҳар хил ҳаракатларда қаршилиқ кучини ошириш ёки тўсиқлар ҳосил қилиш мақсадида турли спорт анжомлари – гантеллар, штанга, тренажерлар ёрдамида машқларни бажариш зарур [Н.Р.Ғозиев, 2009; Ш.С.Мирзаёнов, Т.Р.Ишмухамедов, 2014].

Курашчилар тайёргарлигида антропометрик кўрсаткичларни ҳисобга олиш аҳамияти ва зарурати [А.А.Коломейчук, 2011; В.А. Зезбеев ва бошқ., 2014; А.Ф.Зекрин, 2015; В.И.Шандригось, 2017] ихтисослиги ва малакаси ҳар хил бўлган спортчиларда конституционал хусусиятлар уларнинг тезлик-куч ва куч имкониятлари билан ўзаро боғлиқлиги [В.Г.Семенов, 2000; В.Н.Томбовцева, В.И.Дарская, 2003; Абрамова ва бошқ., 2018; Э.Г.Мартиросов, А.В.Смоленка, 2008; Д.Д.Сафарова, 2009, 2015 ва бошқ.], морфофункционал белгиларнинг шаклланиши ирсият ва атроф-муҳит омиллари таъсирига боғлиқлиги [Б.А.Никитюк, 1990; В.К.Бальсевич, 2000; Г.М.Никитин, 2008 ва бошқ.] масалалари адабиётларда кенг ёритилган.

Ўрганилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, илмий-услубий адабиётларда морфологик кўрсаткичларнинг хусусиятлари, жумладан, курашчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари асосида жисмоний ривожланишини баҳолаш юзасидан маълумотлар топилмади. Тана массаси таркиби хусусиятлари ёритилмаган, морфологик кўрсаткичларнинг функционал тайёргарлик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигига доир маълумотлар йўқ, шунингдек, тана тузилишининг кураш миллий спорт тури билан шуғулланувчи спортчилар техник-тактик кўрсаткичларининг такомиллашишига таъсири тўғрисида етарлича маълумотлар аниқланмади.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши» деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва илғор амалий тажрибани умумлаштириш амалга оширилган. Бу ерда қўлланилган педагогик тадқиқот услублари, жумладан, педагогик тажриба натижалари келтирилган, жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаб берувчи тестлар, махсус ҳаракат сифатларининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи машқлар уларни ўтказиш бўйича батафсил тавсиялар билан келтирилган, педагогик назорат услублари ёритилган.

I босқич 2017-2018 йилларни ўз ичига олган, илгари шу мавзуда чош этилган ишлар батафсил назарий таҳлил қилинган, адабиётлар ўрганилган, тадқиқот аппарати шакллантирилган.

II босқич 2018-2019 йилларни ўз ичига олган бўлиб, курашчиларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун антропометрик тадқиқот услубларидан фойдаланилган. Миллий курашчиларнинг функционал ҳолати, жисмоний иш қобилияти ва аэроб имкониятлари, Гарвард степ-тести индекси (ГСТИ) кўрсаткичлари орқали курашчиларнинг жисмоний ривожланиши даражаси аниқланган.

III босқич 2019-2020 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда педагогик тажриба ўтказилган. Тадқиқотнинг учинчи босқичи асосий босқич ҳисобланиб, унда ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлигини тажрибада текшириш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва математик ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг «Кураш миллий спорт турида ихтисослашувчи курашчиларнинг жисмоний ривожланиши, функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги даражасини қиёсий баҳолаш» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда иштирок этган ҳар хил кураш турлари вакилларининг антропометрик кўрсаткичлари ушбу тадқиқотдаги битта ихтисослик доирасида, хусусан, курашнинг ҳар хил турларида ўзига хос машғулот жараёнида соматотипларнинг шаклланиши ва бир-биридан фарқланишини ўрганиш вазифаси ҳал этилди.

Тадқиқотда иштирок этган ҳар хил кураш турлари спортчиларининг антропометрик кўрсаткичлари орқали уларнинг жисмоний ривожланиши даражаси қиёсий таҳлил қилинди, нафақат тузилишида ўхшашлик, балки баъзи кўрсаткичларда фарқлар аниқланди. Буларга кўкрак қафасининг айланаси ва кенлиги, сон, болдир узунлиги нисбати, чанокнинг сагиттал ва кўндаланг йўналишдаги кенлиги, тери остидаги ёғ бурмаларининг тақсимланишида фарқланиш аниқланди. Курашчиларнинг жисмоний ривожланиш даражасини намоён этувчи кўрсаткичларга қараб, миллий курашдаги спортчиларни алоҳида мустақил морфологик синф сифатида ажратиш мумкинлиги аниқланди.

Курашчиларнинг соматотип тоифалари таҳлили натижасида куйидагилар аниқланди: дзюдочи ва самбочилар соматотиплари эктомезоморф типда тузилган бўлиб, 33,4–41,7% спортчиларда учрайди. Юнон-рум курашчилари орасида соматотиплар тенг икки гуруҳга тақсимланган: 50% спортчиларда эктомезоморф соматотип учраса, 41 %да эса мувозанатли мезоморфия учрайди. Эндоморф ва мезоморф таркиблар энг юқори даражада эркин курашчиларда ривожланган бўлиб, таркиблар нисбатлари баллар билан ифодаланганда эркин курашчиларда 3,3: 6,0: 2,1 ни ташкил этади, сўнг миллий кураш турлари бўйича курашчиларда ва самбочиларда 3,3: 5,4: 2,3 ни ташкил қилади. Мезоморф таркиби эркин курашчиларда 6 балл, курашчиларда 5,4 баллга тенг бўлиши мускул таркибининг яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Ишда 19-21 ёшдаги назорат ва тажриба гуруҳларига киритилган 30 нафар юқори малакали курашчиларда физиологик ва гемодинамика кўрсаткичлари тизимига хос индивидуал юрак-қон томир кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Индивидуаллаштириш тамойилини ҳисобга олган ҳолда 1- ва 2-юкламалар шиддати ҳар бир спортчи учун унинг жисмоний имкониятларига қараб ўзгартириб борилди. Шу билан бирга, юкламани аста-секин ошириб бориш шароитларида гемодинамика кўрсаткичларининг яққол ўзгариши даражаси текшириладиган курашчиларда юрак-қон томир тизимининг тежамли ишлашидан далолат беради. Гемодинамика кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча спортчилар яхши спорт формаси талабларига жавоб беради ва юқори даражада машқланганлигидан далолатдир. Гемодинамиканинг барча таҳлил қилинадиган кўрсаткичлари тикланиш кўрсаткичлари билан тасдиқланди. Бироқ дастлабки кийматларга нисбатан кетма-кет 1-ва 2-юкламалардан сўнг систолик ва диастолик босимнинг ошиши қайд қилинган. Курашчиларда иккинчи юкламадан сўнг ЮҚС, ҚДХ (қоннинг дақиқалик ҳажми) кўрсаткичлари юқори. Бундай реакция организмнинг жисмоний юкламага бўлган муносиб (адекват) ва самарали мослашувини таъминлашга тўлиқ қодир эканлиги ҳақида далолат беради. Бу текшириладиган курашчиларнинг юқори даражадаги функционал имкониятларини кўрсатади.

Иккинчи машғулот юкласидан кейин қоннинг дақиқалик ҳажми (ҚДХ) кўрсаткичилиниги ошиши аниқланди. Юсупов, Маматовларда ҚДХ кўрсаткичи деярли 2,5 барабар ошди, бироқ уларнинг дастлабки натижалари паст эди. 11 нафар курашчида ҚДХ ни сақлаб туриш юқори даражадаги юрак қисқариш сопи (ЮҚС) ҳисобига амалга ошди, у минутига ўртача 80-88 зарба атрофида ўзгариб туради (1-жадвалга қаранг). Фақат 3 нафар курашчида (Нематуллаев, Юсупов,) ЮҚС биринчи юкламада минутига 70-72 зарбани ташкил қилди. Пулатовда иккинчи юкламадан сўнг томир уриши пасайди ва минутига 60 зарбага тенг бўлди. Бироқ 6 нафар спортчида иккинчи юкламадан сўнг ҚДХ нинг 2 барабар ошиши кузатилди. Биз курашчиларнинг умумий жисмоний ишчанлик қобилиятининг (Карпман.В.Л 1985) PWC_{170} тести бўйича мутлақ ва нисбий кўрсаткичларини таҳлил қилдик, улардан 12 нафар курашчи спорт устаси ва спорт усталлигига номзодлар эди. Фақат 2 нафар спортчи 1 разрядга эга эди. Энг юқори жисмоний ишчанлик қобилияти спорт устаси бўлган юқори малакали курашчилар учун аниқланди ва энг юқори деб баҳоланди. Булар Маматов (77 кг) - 380,5 ватт, Абдуллаев (69 кг) - 319,9 ватт, 3 - ўринда Норқуватов (72кг) - жисмоний ишчанлик қобилияти 303,4 ватт ни ташкил қилди. Шунингдек, юқори жисмоний ишчанлик қобилиятини олти нафар курашчи ҳам кўрсатди, уларнинг жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичи 250,6-286,4 ватт атрофида ва бу ҳам аъло деб баҳоланди. Ўртадан юқори жисмоний ишчанлик қобилияти Рахимов, Нарзиев, Пулатовда аниқланди, уларнинг натижалари 212,2 - 245,0 ватт атрофида ўзгариб турди. Нематовнинг жисмоний ишчанлик қобилияти ўрта деб баҳоланди ва 196,0 ватт ни ташкил қилди.

Ажратиб кўрсатилган спортчилар гуруҳи келажаги порлок спортчилар бўлиб, уларни нуфузли мусобақаларда қатнашиш учун тавсия этиш мумкин. Бу гемодинамиканинг барча таҳлил қилинаётган кўрсаткичлари бўйича тикланиш кўрсаткичлари билан ҳам тасдиқланади. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-, 2-юкламали тестлардан сўнг 2-, 3-минутлар давомида деярли барча курашчиларда ЮКС, ТБ, ҚДХ, ГСТИ кўрсаткичларининг аста-секин меъёрлашиши содир бўлади.

1-жадвал

Миллий кураш спорт турида ихтисосланувчи курашчиларнинг(тг)функционал ҳолати бўйича гемодинамика кўрсаткичлари

Т/р	Ф.И.Ш	Рязряд	1-юкляма						2-юкляма						Тикланиш (дак)	
			СХ, мл	ЮКС зарб/дак	ҚДХ, л/м	СБ, мм	ДБ, сим.	ТБ, уст.	СХ, мл	ЮКС зарб/дак	ҚДХ, л/м	СБ, мм	ДБ, сим.	ТБ, уст.	Иш вақти	1-дак-и 5-гача
1.	Нор-в	СУ	54,4	108	5,87	130	90	40	86,2	132	13,10	150	70	80	78"	2 дак
2.	Ном-в	СУ	77,9	70	5,18	100,6	65	35,6	86,5	153	13,23	121,6	50,6	71	81"	3 дак
3.	Рох-в	СУ	71,3	84	5,98	100	60	40	64,1	152	9,74	125	80	45	79"	3 дак
4.	Абд-в	СУ	60	88	5,28	130	85	45	66,9	119	8,12	135	90	45	80"	3 дак
5.	Мах-в	СУ	54,2	88	4,76	110	80	30	70,1	120	11,21	120	70	50	80"	3 дак
6	Пул-в	СУ	71,1	60	6,58	109	80	29	85,5	128	9,85	161	90	51	76"	3 дак
7	Узо-в	СУ	50,2	84	4,21	125	90	35	71,5	90	9,43	130	75	55	86"	3 дак
8	Юсу-в	СУ	59,16	72	3,52	120	80	40	83,8	120	10,20	126	60	66	85"	3 дак
9	Норб-в	СУН	69,8	86	6,002	141	81	60	72	132	9,50	151	79	72	81"	3 дак
10	Сай-в	СУН	54,8	80	5,260	110	80	30	56,9	144	8,193	125	85	40	86"	2 дак
11	Сул-в	СУН	62,5	88	5,50	100	70	30	69,5	156	10,8	125	75	50	85"	3 дак
12	Эш-в	СУН	61,6	116	7,14	120	80	40	64,1	164	8,46	125	80	45	85"	3 дак
13	Мал-в	СУН	61,6	80	4,92	120	80	40	102,2	112	11,44	145	80	65	90"	3 дак
14	Норз-в	I разр	66	92	6,072	120	75	45	60,2	136	8,69	130	85	45	80"	3 дак
15	Чит-ов	ХТС У	59,8	84	5,028	120	80	40	69,80	100	6,80	140	80	60	78"	4 дак

Изоҳ : СХ- систолик ҳажм; ЮКС юрак қисқариш сон; ҚДХ қоннинг дақиқалик ҳажми; УТС – ушқанинг тириклик сўғими; АБ – артериал босим ; СБ - систолик босим; ДБ-диастолик босим.

Организмнинг бундай жавоби ўринли ва самарали, спортчиларнинг функционал ҳолати олий даражада ривожланганлиги ва уларнинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Спортчиларда биринчи юкламадан сўнг ҚДХ кўрсаткичлари фаркланди, чуқки ҳар бир спортчининг машқланиш даражаси ҳар хил бўлганлиги ва шу сабабли кўтариладиган юкламаларнинг ҳажми спортчиларнинг имкониятларига боғлиқлиги аниқланди.

Спорт такомиллашуви босқичида шугулланувчи курашчиларда (тг) тинч ҳолатда, юклама пайтида ва тикланишдан кейинги жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари ёритиб берилган (2-жадвалга қаранг). Жадвалда нафақат мутлақ қийматларда ифодаланган жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари (кгм/мин), балки нафас олиш тизими кўрсаткичлари ҳам келтирилган. Бу ЎТС ва КМЎ кўрсаткичларидир. ЎТС қийматлари эркак спортчилар учун хос бўлган кўрсаткичларга яқинлашди - қийматлар 3,8 л дан 5,6 л гача ўзгариб туради. ЎТС нинг юқори кўрсаткичлари фақат бешта спортчида аниқланди : Махмашев (5,6л), Узоитов (5,2л), (4,8 л); Рахимовда ва Пулатовда КМЎ (4,4л) ни ташкил қилди.

Жадвалда, шунингдек, КМЎ кўрсаткичлари - юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функционал ва аэроб имкониятларини акс эттирувчи асосий кўрсаткич қийматлари берилган. Тадқиқотда қуйидаги тенденция, хусусан, КМЎ кўрсаткичларининг ўзгариши аниқланди. Курашчиларнинг бир қисмида юкламали тестлар катталиги ва жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари юқори, ЮҚС кўрсаткичлари 2-юкламадан сўнг минутига 120-150 зарба атрофида, лекин КМЎ кўрсаткичлари меъёрий катталикларга мос келади, ушбу ҳолда спортчилар учун бу паст кўрсаткичлардир. Уларда КМЎ нинг нисбий кўрсаткичи 51,2-52,8 мл/мин/кг атрофида ўзгариб туради (Нарзиев, Сайдуллаев, Марданов). Курашчилардаги бундай фарқлар нафақат техник-тактик мақсадга мувофиқлик билан, балки аэроб шиддат ва чидамлилиқ ривожланишининг морфологик ва физиологик шарт-шароитлари билан ҳам боғлиқ. КМЎ кўрсаткичлари бўйича энг истиқболли курашчилар - бу Абдуллаев 80,5-мл/мин/кг, Маматов- 79,108 мл/мин/кг, Махмашаев -73,3 мл/мин/кг, Норбоев - 70,48 мл/мин/кг, Пулатов - 67,8 мл/мин/кг, Юсупов - 64,3 мл/мин/кг, Норкуватов - 52,8 мл/мин/кг.

Диссертациянинг **«Техник-тактик ҳаракатларнинг морфобномеханикавий таҳлили ва уларни такомиллаштириш йўллари»** деб номланган тўртинчи бобида кураш миллий спорт турида энг кўп қўлланиладиган усулларни, жумладан, «орқага эгилиб кўкракдан ошириб ташлаш» усулини бажаришда курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари элементларининг ўзига хос таркиби очиб берилган.

Биз томонимиздан индивидуаллаштириш тамойилини ҳисобга олган ҳолда курашчиларнинг индивидуал техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган тажриба дастури ишлаб чиқилди, техник ҳаракатларнинг бажарилиш самарадорлигига таъсир қилувчи спортчилар соматотипи, морфокниезиологик параметрлар ва жисмоний ишчанлик қобилиятлари кўрсаткичларини инobatга олиш асосида машғулотларнинг миқдори ҳар бир спортчи учун ҳисоблаб берилди. Тана мувозанатини сақлашда умумий оғирлик марказидан тушган вертикал перпендикуляр узунлиги таянч юзасига нисбатан унинг жойлашув чегаралари «орқага эгилиб кўкракдан ошириб ташлаш» усулининг турли ҳолатларида таҳлил қилинди. Лекин тана тузилишининг хусусиятларини ҳисобга олиш билан бир қаторда,

Миллий кураш спорт турида ихтисослашувчи курашчиларнинг (тг) тинч ҳолатда, юклама пайтида ва тикланишдан кейинги жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари

Т/р	Ф.И.Ш	Разря д	Жисмоний ривожланиш			Юклама шиддати- кг/Мин		Жисмоний ишчанлик қобилияти кг/Мин			ЎТС л	ГСТИ (бирлик)	КМЎ	
			Буй см	Вазн кг	ВБИ г/см	1-юклама	2-юклама	РМС кг/Мин	РМС-вазт	Музлак (п.)			Нисбий (мл/мин/кг)	
1	Норқ-в	СУ	181	81	447,5	1249,9	1581,1	1716,9	286,1-юкори	3,8	98,6-азло	4,846	52,8 наст	
2	Нем-в	СУ	170	62	364,7	718,1	949,4	1180	196-ўрта	3,9	111,9-азло	3,66	59,1 наст	
3	Рақ-в	СУ	164	69	420	998,5	1188,3	1273,7	212,2-ўртадан юкори	4,4	110,29	3,87	56,57-ўрта.	
4	Абд-в	СУ	170	69	405,8	684	1072,8	2039,7	339,9-юкори	3,9	129,3-азло	5,57	80,5-азло	
5	Мах-в	СУ	187	87	465,2	884,4	1487,94	1504,1	250,6-юкори	5,6	120-азло	5,378	73,3-азло	
6	Пул-в	СУ	167	64	383,2	794,97	1012,64	1469,74	245,0-ўртадан юкори	4,4	115-азло	4,304	67-азло	
7	Узо-в	СУ	175	75	428,5	1031,15	1139,2	1278,1	203,0-ўртадан юкори	5,2	120,9	3,74	51,2 наст	
8	Юсул-в	СУ	165	65	393,0	824,0	1026,8	1385,87	250,9-юкори	3,6	133,9	4,41	64,3-ахши	
9	Норб-ев	СУ	170	72	425	1059,17	1351,9	1820,4	303,4-юкори	3,9	106,3-азло	5,074	70,4-азло	
10	Сай-в	СУН	180	81	450	978,4	1278,7	1648,0	274,6-юкори	3,9	113-азло.	4,66	58,6-ўрта	
11	Сул-в	СУН	171	73	426,9	993,1	1174,5	1243,4	207,2	3,8	118,5-юкори	3,80	52,2-наст	
12	Эшб-ев	СУН	179	76	424	990,7	1245,2	1576,0	262,6-юкори	4,8	118,1 юкори.	3,919	52,5 наст	
13	Мамаг-в	СУН	173	77	445	1013,0	1289,2	2283,5	380,5-юкори	3,9	144-азло	6,09	79,10-азло	
14	Нарз-ев	1 раз.	166	60	361,4	897	1004,6	1305,8	217,6	3,7	101,3-азло	3,45	57,6-ўрта	
15	Чпг-ев	ХТСУ	166	68	409,6	910,8	1008,46	1862,4	310,4 юкори	3,1	110,29-юкори	5,16	75,0-азло	

Изоҳ: КМЎ - кислородни максимал ўзлаштириш; ЎТС – ўлканинг тириклик сизими; ГСТИ – Гарвард степ-тести индекси

танага таъсир этувчи ташқи ва ички кучлар кинезиологик нуқтаи назардан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Тик туришда техник ҳаракатларни бажаришда анатомик ва биомеханикавий нуқтаи назардан «ташлаш» усулини 5 та фазага бўлиш мумкин:

1. Тик туриш ҳолати фазаси. 2. Ушлаб олиш фазаси. 3. Танани мувозанатдан чиқариш фазаси. 4. Усулни бажариш (ташлаш) фазаси. 5. Йиқитиш фазаси (3-жадвалга қаранг). Эътироф этиш лозимки, биз илк бор «тик туриш» фазасини ажратдик, чунки айнан шу тик туриш ҳолатига қисқа вақт ичида тез ҳаракатланишга ўтиш учун старт олиш ҳаракати сифатида қараш мумкин. Яккакураш спорт турларида, шунингдек, кураш миллий спорт турида танани тез силжитиш ёки турли хил техник-тактик ҳаракатларни бажаришда вазиятларни ўзгартириш старт ҳаракатлари билан бошланади. Бундай старт ҳолати биринчи ҳаракат билан старт кучининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу старт кучи ушлаб олишни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни таъминлайди. Иккинчидан, тик туриш хили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатда оғирлик маркази проекцияси кўпроқ устунроқ томонга силжийди, бу беллашув вақтида тез ўзгарувчан вазиятлар шароитларида ҳолатни сақлаб қолиш учун юқори кўрсаткичларга эга бўлиши лозим бўлган курашчининг мувозанат сақлаш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Гап шундаки, спортчиларда ўнг (ўнг томонлама туриш) ва чап (чап томонлама туриш) томондаги бир қатор мушаклар, жумладан, юзада жойлашган трапециясимон мушаклар, шунингдек, юқорироқ ва чуқурроқ жойлашган белнинг квадрат мушаклари зўриқиши ортади, чунки устун қўл ушлаб олишда ва ташлашда рақиб ҳолатини назорат қилиб туради.

Тик туриш ҳолатини таҳлил қила туриб, биз беллашув вақтида тез кечадиган ҳар хил вазиятларда тананинг мустаҳкам ҳолатини сақлаб қолиш муаммосига алоҳида эътибор қаратдик. Тадқиқотларимизда умумий оғирлик марказининг чекка чегарасигача, яъни мувозанат сақлаш ҳолати йўқотилгунга қадар силжиш диапозонини аниқлаш вазифаси ҳам бор эди. Шу сабабли биз тана узунлигига қараб, 30 нафар курашчиларни ажратиб олдик: бўй узунлиги 160-169 см га тенг паст бўйли курашчилар, 170-179 см га тенг ўрта бўйли ва 180 см дан юқори баланд бўйли курашчилар. Тик турганда, чапга, ўнгга, олдинга максимал эгилганда тушадиган УОМ вертикали узунлиги ҳисоблаб чиқарилди.

Сагиттал йўналишда бурилишларни охиригача, яъни йиқилиш мумкин бўлган лаҳза юзага келгунга қадар думғазадан то ёнбош суягининг олдинги қиррасигача ҳам ўнг, ҳам чап томондан ўлчаш амалга оширилди. 30 нафар текширилган курашчилардан айримларида, тана узунлигидан қатъи назар, ҳар хил кўрсаткичлар аниқланди, яъни тажриба давомида орқанинг пастки ярмини ташкил этувчи мушакларнинг узунлиги бўйича асимметрияси аниқланди. 5 нафар спортчида кичик асимметрия, 6 нафар спортчида эса катта асимметрия аниқланди. Шундай қилиб, курашчиларда мушак-тоник асимметриялар аниқланиб, улар тананинг (кўкрак қисмининг) бир томонида катта мушак тонуси билан ифодаланди.

Узоқ вақт давом этадиган ўта катта юкламада бўшаштиришга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмаган вазиятларда ушбу мушак узунлигининг калталаниши кузатилади ва патологик тонус шаклланади. Бундай ҳолат елка камарининг юқорига ва олдинга силжиши билан кузатилади ва куракнинг ўша йўналишда етакчи бўлган томонда тушиб қолиши юзага келади.

3-жадвал

«Ташлаш» техник ҳаракатининг морфобиомеханикавий ёшдашув асосида классификацион схемаси

Усулни амалга ошириш фазалари	Усулни амалга оширишдаги биомеханикавий таҳлили	(УОМ) жойлашишининг ўзгариши
<p>Биринчи фаза</p> <p>«Тик туриш» фазаси</p>	<p>Тик туриш фазаси ҳолатининг охириги босқичида қўл-оёқлар ва тана мушаклари таранглашган, лекин кўп эмас, чуқик ташлашининг кейинги фазаси – ушлаб олишни бажаришга тайёргарлик кетаётган бўлади. «Ушлаб олиш» фазасини бажаришдан олдин курашчи танаси олдинга чиқади.</p>	<p>Бунда тана (УОМ) ҳам олдинга силжийди ва таянч майдонининг олдинги чеккасига етади</p>
<p>Иккинчи фаза</p> <p>«Ушлаб олиш» фазаси</p>	<p>Рақибнинг танаси ушлаб олиш фазасини таъминлаш учун ягона ўзаро боғлиқ биомеханикавий тизимни ташкил этади. Ушбу ҳаракатда тана ҳолатининг ўзгариши амалга ошади ва рақиблар орасида боғлиқлик шаклланади. Ушлаб олиш фазасини амалга ошириш ёки бир қўлда, ёки иккала қўлда, ёхуд белбоғдан ушлаб олиш билан амалга оширилади. Ушлаб олиш бошланган ва тугалланган вақт кайд қилинади. Ушлаб олишда асосий юклама қўллар бармоқлари ва кафтини бурувчи мушакларга тушади, улар таранглашган ва қисқарган ҳолатда бўлади. Билак-кафт бўғимида кафт ва бармоқларини букувчи ҳамда ёзувчи мушаклар ишлайди, қўл кафтининг олдинга ва орқага ҳаракати кафтни яқинлаштирувчи ва узоқлаштирувчи мушакларнинг қисқариши ҳисобига амалга оширилади. Бунда қўл кафтининг ўзи ёзилган ҳолатда туради, уни букувчи мушаклар эса максимал тарзда чўзилган, бу жойдан (қўл, қўллар, бел, бўйиндан) ушлаб олиш кучининг ошишини таъминлайди. Қўл кафтининг энг «масъул» жойи кафт олди суяги ва кафт суяги асоси ҳисобланади. Қўл кафти узунлиги катта аҳамиятга эга, жумладан, бармоқлар фалангалари узунлиги қанча катта бўлса, ушлаб олиш шунча маҳкам ва каттиқ бўлади. Бироқ елка камари ва билак мушакларига катта юклама тушади, улар қўлнинг ўнг ёки чап томонларга бурилишларини таъминлайди. Бу кичик кўкрак мушаги, ўмров мушаги, трапециясимон мушакнинг пастки қисми, олдинги тишсимон мушакнинг пастки тишчаларидир. Ундан ташқари, рақиб кийими ёқасидан ушлаб олиш орқали уни назорат қилишда спортчи рақиб билан ўзи орасидаги масофани қисқартиришга уринади, бунинг оқибатида катта ва кичик кўкрак мушаклари, ўмров мушаги ўта зўриқади. Бунда куракнинг пастга силжиши кузатилади. Бундай ҳолат катта ва кичик ромбсимон мушаклар, трапециясимон мушакнинг урта ва пастки тўплами заиф бўлганда кузатилади. Заифлик орқа юза мушакларига нисбатан қўйиладиган юқори талаблар ва узоқ вақт зўриқиш ҳолатида бўлиш оқибатида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, бир томонлама жисмоний юкламада (ёки чапта, ёки ўнгда) квадратсимон мушакда мос томонда зўриқиш ортади, бу ушбу мушакнинг калталанишида акс этади. Ушлаб олишда катта ва кичик кўкрак мушаклари топусининг ошини ҳисобига кўкрак кифозининг ортиши, шунингдек, бел лордозининг ясиланиши содир бўлади.</p>	<p>Ушлаб олиш фазасини бажаришда умумий оғирлик маркази (УОМ) жойлашишининг ўзгариши Жисмоний толиқнишда оёқнинг фаол таянч қамайиши ва пассив таянч ортиши мумкин – спортчи фақат оёғини олдинга қўяди ва ундан таянч сифатида фойдаланади ҳамда бунда оғирлик кучи олдинга қўйилган оёқка кўчади. Оғирлик кучи таъсирида тананинг қўллар камарига нисбатан тушиб кетишига қўллар камарини туширувчи мушаклар тўққинлик қилади</p>

<p>Учинчи фаза</p> <p>«Мувозанатдан чиқариш» фазаси</p>	<p>Бу фазани бажаришда тана тузилиши типи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фаза ушлаб олиш амалга оширилгандан сўнг бошланади. Унда иккита кичик фазаларни ажратиш мумкин: биринчи кичик фаза рақиб танаси умумий огирлик марказининг жойлашинини ўзгартиришга қаратилган. Бу рақибларнинг бир-бирларига нисбатан тана аъзолари жойлашинини ўзгартириши ҳисобига амалга оширилади. Оёқлар мушаклари иши статик ҳолатли, яъни тана мувозанатини сақлашни таъминлашга қаратилган, шунинг учун сонни букувчи мушаклар қалталашади ва таянч оёқда мустаҳкамловчи хусусиятга эга ишни бажаради.</p>	<p>Учинчи фаза ҳужум уюштирилган курашчи огирлик марказининг усулни амалга ошириш учун оптимал ҳолатга силжиши билан кузатилади.</p>
	<p>Болдир мушаклари ҳам фаол иш бажаради, бунда болдирнинг орка юзасида жойлашган мушаклар, масалан, уч бошли мушак катта куч памоеи қилади. Агар оёқ таянч майдони билан алокани йўқотса, бу бўш оёққа айланади, унинг ҳолати номустаҳкам мувозанат ҳолатини пайдо қилади. Иккинчи босқич – бу ҳужум уюштирилган курашчининг ўз саъй-ҳаракатлари эвазига ташлашни амалга ошириш учун ҳужум қилинаётган курашчининг огирлик марказини оптимал қулай ҳолатга олиб чиқишгача бўлган вақт оралиғидир. Бу ҳаракат бир зумда бажарилиши мумкин, бу ерда кўрсатиб ўтилган иккала кичик фазаларни ажратиб олиш қийин ва унга яхлит ҳаракат сифатида қараши мумкин. Айрим ҳолларда рақиб шундай нуқулай ҳолатни эгаллаши мумкинки, бунда умумий огирлик маркази ҳужум қилаётган курашчига ташлаш усулини бажариш учун қулай шароит яратишга ёрдам бериб юбориши мумкин. Эътироф этиш жоизки, мувозанат ҳолатидаги чиқариш фазаси ташлашни амалга оширишнинг зарур қисми ҳисобланади. Ушбу фаза яна вақт параметрлари билан ҳам ифодаланади, яъни унда фазанинг бошланиши ва тугаш вақти ҳисобга олинади.</p>	<p>Брахиоморф типига мансуб курашчилар тана УОМ нинг паст жойлашини сабабли тана умумий огирлик маркази таянч майдонига нисбатан брахиоморфларга қараганда анча юқори жойлашган долихоморфларга қўра юқори даражадаги мустаҳкам ҳолат билан ажралиб турадилар</p>
<p>Тўртинчи фаза</p> <p>«Ташлаш» фазаси</p>	<p>Ушбу фазани иккита кичик фазаларга ажратиш мумкин: а) ташлашга тайёрланиш фазаси; б) ташлашни амалга ошириш фазаси. Ушбу фазада ҳужум қилаётган курашчи рақибни иргитиб ташлаш учун янада қулайроқ ҳолатни тайёрлаш мақсадида зарур ҳаракатларни амалга оширади. Бу фаза вақт параметрлари давомийлигига қўра турли хил вақт оралиғига эга. Бу фазанинг бошланиши рақиб танасини мувозанатдан чиқариш ҳаракатининг якунига мос келади, вақтнинг якуний нуқтаси рақибни иргитиб ташлаш ҳаракатига мос келади. Ушбу фазада усул, яъни ташлаш амалга оширилади. Кўп қўлланиладиган ташлаш ҳаракати – бу «орқадан ошириб ташлашдир». Рақиб танасини мувозанатдан чиқаргандан сўнг рақибни гиламдан кўтариш ва ушлаб олиш кичик фазалари амалга оширилади. Бу кичик фазада ташлаш ҳаракатидаги энг фаол кучланишларни ўз вақтида амалга ошириш кузатилади, яъни гўёки ўзини ва рақибини «кўтариб олишга» уриниш бажарилади, бу эса кураш ҳаракатларининг тузилмасида энг етакчи элементлардан бири ҳисобланади. Бошқа энг муҳим палласи – қўллар камарининг оркага ҳаракати ва умуртканинг тежисланишидир. Бунда танани олдинга эгиш, оёқларни ёзиш ва қўллар ҳаракатларини бир-бирига аниқ мувофиқлаш зарур. Рақибни маҳкам ушлаб олишни таъминлаган ҳолда айна пайтда рақибни ўзига тортиш лозим</p>	<p>Ушбу ҳолат номустаҳкам мувозанат ҳолати тури билан ифодаланади</p>
<p>Бешинчи фаза</p> <p>«Ичкикириш» фазаси</p>	<p>Бу фазада рақибнинг гиламга йиқилиши содир бўлади. У аввалги фаза жараёнида бошланиши мумкин. Унинг бошланиш вақти ва тугаш вақти ҳам қайд қилинади ва спортчининг индивидуал хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин.</p>	<p>Курашчининг гиламга йиқилиши содир бўлади</p>

Бундан ташқари, мавжуд бўлган асимметрия ҳолати ҳам машғулот жараёнида махсус ишлаб чиқилган машқларнинг қўлланилиши туфайли бартаараф этилди (4-жадвалга қараи). Курашда мувозанатдан чиқариш фазаси

икки қисмдан иборат: биринчи босқич ушлаб олиш ҳаракати бажарилгандан сўнг бошланади; иккинчи босқичда ҳужумни бажариш учун рақибнинг оғирлик марказини қулай ҳолатга ўтказишдан иборат. Биринчи босқич рақибнинг тана оғирлик маркази жойлашувини ўзгартиришга қаратилган бўлиб, унинг тана бўғинларининг бир-бирига нисбатан жойлашувини ўзгаришига олиб келади. Тананинг чап ва ўнг томонларида жойлашган мускуллар узунлиги, таранглашган ҳолати бир хил бўлса, тана мувозанатини сақлай олади ва аниқ ҳаракатлар бажарилади. Демак, тана томонларининг симметрик жойлашуви техник–тактик ҳаракатларнинг аниқ ва тежамли бажарилишини ҳамда жароҳатланишнинг олдини олинишини таъминлайди.

4-жадвал

Курашчиларда релаксацияга йўналтирилган махсус машқлар мажмуаси

Т/р. Машқ номи	Қўллаш тартиби	Таъсир йўналиши	Такрорлаш вақти ва сон
1. Швед деворида, халқаларда, турникда осилиш машқи	Бу машқни иккита вариантда қўллаш мумкин - тўғри ушлаш ва тескари ушлаш билан. Осилиш ҳолатида тана оғирлигини пастга йўналган, қаршилик кучи, аксинча, пастдан юқорига йўналган. Тана ёзилган ҳолатда, оёқлар пастга тушган, қорин мускуллари чўзилган ва тараплаган, диафрагма кўтарилган, нафас олиш ва чиқариш оғирлашган. Энг катта юклама кўл панжасини букувчи мускулларга, сўнг билак ва елка мускулларига тушади. Агар кўл мускуллари бирданга бушашиб кетса, спортчи йиқилиб тушиши мумкин. Шунинг учун панжа мускулларини ривожлантириш зарур. Кўл панжаси билан ушлашни «тўғри ушлаш» орқали ҳаракат бажарилса, унда елканинг икки бошли мускули, елка мускули, дельтасимон мускул ва ромбсимон мускулларга юклама тушади. «Орқадан ушлаб олишда» тирсақни букувчи мускуллар ҳаракатда бўлади.	Агар осилиш ҳолатининг вақти ошиб кетса, кўл сегментларидаги мускулларда зўриқиш ҳолати ривожланиб, мускуллар ичида оғрик берувчи нуқталар ҳосил бўлади. Оғриқлар елка камари соҳасида, орқадан кузатилади, трапециясимон мускуллар таранглашганлиги туфайли оғриқлар кучли бўлиши мумкин	Машгулотдан сўнг 30 ссқ, 4 марта
2. Кўл панжаси билан итганга грифи атрофида айланма ҳаракатларни бажариш машқи	Грифнинг оғирлиги 20 кг гача етиши ва айланма ҳаракатларни икки йўналишда бажариш мумкин. Кўл қафтларини тальк порошоги билан суртиш лозим.	Бундай айланма ёки циркуляр ҳаракатлар орқали панжани майда букувчи ва ёзувчи мускулларини ривожлантириш мумкин	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
3. Дискларни кўл бармоқлари билан ушлаб олиш машқи	15 – 20 кг ли дискларни кўл бармоқлари билан ушлаб олиш, 10 м масофага дискларни олиб бориш ва қайта чиқиш жойига етказиш.	Бу машқ ҳам кўл мускулларининг ривожланишини ва «ушлаб олиш» ҳаракатининг мустақкамдигини таъминлайди	Машгулотдан сўнг 20 кг, диск 10 м масофа, 3-4 такрорлаш

4. Гавда мускулларини бунаштирувчи машқлар	Бу машқ полда бажарилади. Спортчининг қорин пол томонга қаратилган, сўнг боши, кўкраги аста-секин кўтарилади, бел қисмида орқага қараб гавда ёзилади. Бу ҳолатни таъминловчи мускуллар - қориннинг олдинги ва ён гуруҳлари.	Гавдани ёзишда белнинг квадрат мускули, умуртқа погонасининг чуқур мускулларидан кундалангаро мускуллар иштирок этади	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
5. Ётган ҳолда белни ёзувчи машқлар	Бу машқ чалқанча ётиб, полда бажарилади. Иккита оёқни тўғрилаб узунасига чўзилади ва оёқ панжалари горизонтал чизик бўйича чўзилади ва шу ҳолатда 30 секундгача ушлаб турилади. Сўнг оёқлар бироз кўтарилади ва чалиштириб букилиб, аста-секинлик билан кўкракка қараб тортилади.	Бел мускулларини ёзувчи машқлар	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
6. Тосни полда мустаҳкам ўрнаштириб, кетма-кетликда аввал бир оёқ, сўнг иккинчи оёқ ташлаш машқи	Бу машқ ҳам полда бажарилади. Тосни полда мустаҳкам ўрнаштириб, кетма-кетликда аввал бир оёқ, сўнг иккинчи оёқ ташланади ва тик ҳолда ушланади, бир вақтнинг ўзида оёқлар тебранима ҳаракатни ҳам бажаради. Кейин оёқ ҳаракатлари ўтирган ҳолда бажарилади. Бу машқ ҳам полда бажарилади. Тосни полда мустаҳкам ўрнаштириб, кетма-кетликда аввал бир оёқ, сўнг иккинчи оёқ ташланади ва тик ҳолда ушланади, бир вақтнинг ўзида оёқлар тебранима ҳаракатни ҳам бажаради. Кейин оёқ ҳаракатлари ўтирган ҳолда бажарилади	Тос мускулларини ёзувчи машқлар	Машгулотдан сўнг 15-20 марта, 4-6 такрорлаш
7. Гавда билан бурилиб умуртқа погонасини чўзиш машқи	Бу машқ полда бажарилади, умуртқа погонаси максимал чўзилган, сўнг тана бир бикинга айланиб, оёқлар бир-бирининг устига қўйилади. Гавда билан бурилиш чапга ва ўнгга қараб бажарилади, оёқлар эса бурилганда букилган ҳолда айланади.	Гавда мускулларини ёзувчи машқлар	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
8. «Қайиқча» машқи.	Бу машқни гимнастика ўриндигига қўйдангига жойлашиб, унда фақат гавданинг пастки қисми, бел ва чанок жойлашган. Кўкрак, қўллар ва оёқлар осилган ҳолда бўлади. Сўнг белдан ичкарига томон	Кўкрак, қўллар ва оёқлар мускулларини ёзувчи машқлар	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
9. Тик турган ҳолатда, бош бироз орқага ташланган, қўлларни гавда бўйлаб тушириш машқи	букилиб, оёқ ва қўллар тўғриланади ва ритмик равишда тебранади Тик турган ҳолатда, бош бироз орқага ташланган, қўллар гавда бўйлаб туширилган. Гавда ўнг томонга, ўнг қўллар эса секин полгача гавда бўйлаб сирпаниб полгача етади. Сўнг бу ҳаракат чап томонга қараб бажарилади.	Бу машқ орқали орқанинг трапециясимон мускули бунаштирилади	Машгулотдан сўнг 10-15 марта, 4-6 такрорлаш
10. Швед деворида ушлаш билан осилиб туриш машқи	Бу машқ орқанинг кенг мускулларини бунаштиришга йўналтирилган. Бу машқ ҳам иккита вариантда қўлланилади - тўғри ушлаш ва тесқари ушлаш билан. Швед деворида тесқари ушлаш билан осилиб туриш ҳолатини бажариш ва бу ҳолатни бир неча дақиқа ичида сақлаш лозим. Бироз вақт ўтгач, тизза соҳасида оёқларни чалиштириб букиш ва гавдани кўкрак даражасигача кўтариш.	Орқанинг кенг мускулларидан ташқари, елқанинг икки бошли мускули, елка мускули, дельтасимон мускул, ромбсимон мускуллар иштирок этади. Тўғри ушлашда ҳам кўрсатилган мускуллар фаол қатнашади	Машгулотдан сўнг 30 сек, 4 такрорлаш

4-жадвал давоми

11. Сузишнинг брасс усулидаги ҳаракатларни куриқликда бажариш машқи	Қоринга етиб, оёқлар жуфтлашади, куллар олдинга қараб тортиланган. Худди сувда бўлгандек, брасс ҳаракатлари бажарилади, лекин машқда елка қамари ва куллар ништирок этади. Жисмоний машқ бажарилганда, бошнинг ҳолати назорат қилинади ва умуртка поғонасининг бўйин қисми ҳаддан ташқари ёзилмайди, қорин ичига тортилган бўлади.	Умуртка поғонасининг бел қисми мустаҳкамланади ва орқани ёзувчи мускулларнинг кучи самараси ортади.	Машгулотдан сунг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
12. Бутун гавда билан думгаздан бош томонга, бошдан думгаза томонга айланиб	Бу машқ ўтирган ҳолатда бажарилади. Оёқлар чапоқ – сон, тизза бугимларида букилган, оёқ кафти товои сатхлари билан жуфтланган. Иккала қўллар билан оёқ кафтини ўраб олиб, бутун гавда билан думгаздан бош томонга, бошдан думгаза томонга айланиб	Машқнинг мақсади-орқанинг ёзувчи чуқур мускулларни бушаптириш.	Машгулотдан сунг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш
ҳаракатланиш машқи	ҳаракатланиш. Умуртка поғонасининг бел қисмида оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Бу машқни бажаришда нафас олишни назорат қилиш лозим. Нафас чиқарганда ҳаракатларни тезлаштириш мумкин		
13. Уриндик да ўтирган ҳолда ковурагалар ёйи соҳасигача тортиш машқи	Блокнинг уриндигида ўтирган ҳолда бажарилади. Тана корпуси тик ҳолатда бўлиши лозим. Сунг блокни дастасини ковурагалар ёйи соҳасигача тортиш лозим.	Бу машқ трапециясимон мускулни, орқанинг кенг мускулнинг ривожлантиришга йўналтирилган	Машгулотдан сунг 10-15 марта, 3-4 такрорлаш

Дастурда курашчиларни тайёрлашда ҳар бир курашчининг индивидуал хусусиятлари – жисмоний ривожланиш даражаси, функционал ҳолати ҳисобга олиниб, машгулотни муайян тартибда ўтказиш назарда тутилган (5-жадвалга қараи). Биз тадқиқотимизда индивидуаллаштириш тамойили асосида курашчиларнинг функционал ҳолатини текшириш ва спортчининг келажақдаги истиқболини олдиндан ташхислашни амалга оширдик.

5-жадвал

Курашчиларнинг индивидуал техник–тактик тайёргарлигида тана таркибининг ҳисобга олиш мезонлари

Вазифаларни ҳал қилиш устулиги	Эктоморф (Тана узун)	Эндоморф (Танада ёғ ривожланган)	Мезоморф (Танада мускул ривожланган)	Курсатмалар
Соматотипнинг ўзгариши % да	-	65,2% дан	82,5 % узгарди	-
Адаптацион имкониятлари	-	+	+	-
Юқламалар таъсирига жавоб бериши	-	+	+	-
Техник-тактик ҳаракатларни бажариш самарадорлиги	-	+	+	-

Машқланиш даражаси олий курашчилар мускулларида, юқламаларга организм оптимал жавоб бериши кузатилди (6-жадвалга қараи). Курашчилар махсус ҳаракат машқларини бажарганда камроқ хатоларга йўл қўйган, ҳаракатлар траекториясидан чиқиб кетмаган, чунки тадқиқотда умумий оғирлик марказини тик турган ҳолда, чапга, ўнгга ва олдинга силжиган ҳолда ҳаракатлар бажарганда қайси масофагача УОМ (умумий оғирлик маркази)

тананинг мувозанатини сақлай олиши аниқланиб, ҳар бир элементда ўзлаштирилган.

6-жадвал

Кураш миллий спорт турида ихтисослашаётган курашчиларнинг индивидуал техник – тактик тайёргарлиги тажриба дастури мазмуни

Вазифаларни ҳал қилиш устуңлиги	Долхиоморф Буйи (180)	PWC ₁₇₀	Брахноморф Буйи (170-180)	PWC ₁₇₀	Мезоморф Буйи (160 -170)	PWC ₁₇₀	Кўрсатма
	Сай-си – СУН, Эшбосв-СУН	274,6 262,6	Пулатов-СУН, Норкулов- СУ	245,0 286,1	Султанов -СУН, Маматов – СУН, Немов-СУ, Читсев – МСМК, Абдев - СУ, Нерф - СУ, Юсупов - СУ, Мухаммадсв – СУ	207,2 380,5 196 310,4 339,9 363,4 250,9 250,6	
УОМ	100,50 см		96,27 см		91,55 см		
Мусобақа фаоллиги	Ўртача юқори, юқори		Юқори, Ўртача юқори		Юқори, Ниҳоятда юқори		
Техник усулларни қўллаш ва уларни баҳолаш	Паст даражада, Ўртадан юқори		Ўртача		Юқори, Ниҳоятда юқори		
Химоя ҳаракатларининг самараси	Юқори		Паст даражада		Жуда паст, Паст даражада		
«Шох» усуллар сони	1		1-2		2		
1. Беллашуви ўтказишда вазиятни ҳисобга олган ҳолда турли қўлланиладиган тактик услубларни такомиллаштириш.	262		280		252		
2. Шох усулларни қўллашда тайёргарлик ҳаракатлар олий даражада	259		277		249		
3. Ракибли хужумларини бартараф этувчи самара берувчи химоя ҳаракатларни такомиллаштириш.	230		256		220		
4. Курашга хос махсус ҳаракатларнинг элементларини ўзлаштириш.	169		187		159		
5. Тик турган ҳолда беллашувга хос техник – тактик ҳаракатларни ўзлаштириш.	130		140		120		
Юқоламалар ҳажми (соат)	Оя-125; Йил-1050		Оя-120; Йил-1140		Оя-124; Йил-1000		

Кураш миллий спорт турида ихтисослашувчи 30 нафар назорат ва тажриба гуруҳлари курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари киёсий таҳлили ўтказилди. Иккинчи бобда тақдим қилинганидек, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражасига доир бир хил дастлабки маълумотларга эга бўлган курашчиларни тўғри ажратиб олиш амалга оширилди. Тажриба боши ва охирида ўтказилган

тест синовлари тажриба ва назорат гуруҳлари орасидаги фарқларни аниқлаб берди. Назорат гуруҳида бир қатор тестлар бўйича ижобий натижалар олинди, улар умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни акс эттиради, бироқ олинган натижалар статистик ишончли эмас ва фақат иккита кўрсаткич бўйича аниқ ишончли ўсиш аниқланди: турникда тортилиш натижалари 5,7% га яхшиланди ва швед деворида оёқларни кўтаришда ўсиш 6,6 % ни ташкил қилди. Вазни тенг шеригини елкага ўтказиб, 6 марта ўтириб-туриш вақти фақат 0,99% га ўсди, 10 марта ётган ҳолатдан бурчак бўлиб ўтириш ҳолатига кўтарилиш вақти бўйича ҳам шундай кўрсаткич аниқланди. Орқага эгилиб манекенни 10 марта ташлаш вақти 4,4% га ошди. Тезлик кўрсаткичида ҳам кичик ўсиш аниқланди: юқори стартдан 60 м га югуришда 1,08 %, турган жойдан узунликка сакрашда 2,4% ўсиш аниқланди (7-жадвалга қараи). Айтиш жоизки, барча тестлар тавсиялар бўйича ўтказилди ва мутахассис –экспертлар томонидан баҳоланди.

Тажриба гуруҳи режалаштирилган ўқув-машғулотларга биноан тажриба дастури асосида шуғулланди. Бу дастурда нафақат тана тузилишининг индивидуал хусусиятлари, балки жисмоний ишчанлик қобилияти, ГСТИ бўйича тикланиш вақти кўрсаткичларидан тортиб то соматотип тоифалари ҳамда дифференциал ёндашув асосида соатлар ҳажмини режалаштиришгача акс эттирилган. Курашчиларнинг бир қисмида гипертонус ҳолати аниқлангандан сўнг бўшаштиришга йўналтирилган машқлар таклиф қилинди, улар айланма машғулот услубини қўллаган ҳолда ўзлаштирилди. Натижада, спортчиларда ташлаш ҳаракатларини бажариш сифати анча ошди, бу умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларида ўз аксини топди.

Тажриба гуруҳидаги курашчиларнинг педагогик тажрибадан олдин ва кейинги жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари берилган (7-жадвалга қараи).

7-жадвал

Тажриба гуруҳидаги (III) ва (II) курашчиларнинг педагогик тажрибадан олдин ва кейинги жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари (n=15)

Нazorат машқлари	Груҳи	Тажрибадан олдин (х±σ)	Тажрибадан кейин (х±σ)	t	p	Ўзгариш нисбати ўсим %
Турган жойдан узунликка сакраш (метр)	нг	2,42±0,19	2,56±0,21	1,91	>0,05	5,8
	тг	2,48±0,21	2,72±0,20	3,21	<0.01	9,7
60 м югуриш (сек)	нг	8,25±0,46	8,56±0,45	1,87	>0,05	3,8
	тг	8,29±0,46	8,83±0,45	3,25	<0.01	6,5
Балаид турникда тортилиш (марта)	нг	35±2,68	37,1±2,67	2,15	<0.05	6,0
	тг	35,2±2,68	38,3±2,67	3,17	<0.01	8,8
Швед деворида осилиб оёқларни кутариш (марта)	нг	15,3±1,04	16,1±1,03	2,12	<0.05	5,2
	тг	15,1±1,04	16,6±1,03	3,97	<0.001	9,9
20с. ичида ётиб таяниб кулларни букиб-ёзиш (марта)	нг	47,2±2,92	45,3±2,76	1,83	>0,05	-4,0
	тг	47,3±2,92	44,7±2,76	2,51	<0.05	-5,5
Ўз вазинга тенг шерик билан олти марта ўтириб-туриш вақти (сек)	нг	10,1±0,69	10,6±0,71	1,96	>0,05	4,9
	тг	10,3±0,71	11,2±0,73	3,42	<0.01	8,7
10 марта ётган ҳолатдан бурчакни ҳосил қилиб ўтириш (сек)	нг	10,2±0,71	9,73±0,66	1,88	>0,05	-4,6
	тг	10,4±0,74	9,45±0,74	3,52	<0.01	-9,1

10 марта орқадан ошириб ташлаш вақти (сек)	нг	45,1±2,93	47,2±2,91	1,97	>0,05	4,7
	тг	45,3±3,15	48,7±3,16	2,95	<0,01	7,5
10 марта орқага эгилиб манекенни ташлаш вақти (сек)	нг	26,2±1,77	27,4±1,76	1,86	>0,05	4,6
	тг	26,4±1,87	28,1±1,84	2,51	<0,05	6,4

Жадвалдаги кўрсаткичларни таҳлил қила туриб, умумий ва махсус жисмоний таёргарлик бўйича ўсишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Энг кичик ўсиш ётиб таяниб қўлларни букиб-ёзиш аниқланди – 5,5 %, 60 м га югуришда 6,5 % ни, турган жойдан узунликка сакрашда 9,7 % ни, турникда тортилишда 8,8 % ни ташкил қилди.

Махсус тайёргарлик кўрсаткичлари бўйича ўсиш куйидагича бўлди: вазни тенг шеригини елкага ўтказиб, 6 марта ўтириб-туриш вақти (с) 8,7 % ни; ётган ҳолатдан бурчак бўлиб ўтириш ҳолатига 10 марта кўтарилишлар вақти (с) -9,1 %; орқадан ошириб 10 марта ташлашлар вақти 7,5 %; манекенни орқадан ошириб 10 марта ташлаш вақти 6,4 % ни ташкил қилди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидаги ўсиш ҳам назорат, ҳам тажриба гуруҳларида аниқланди. Бироқ кўрсаткичлардаги ишончли ўсиш тажриба гуруҳи курашчилари учун аниқланди, айни пайтда назорат гуруҳида ишончли фарқ фақат иккита кўрсаткичда намоён бўлди. Махсус жисмоний таёргарликнинг ошишида биз томонимиздан қўлланилган бўшаштириш машқлари муҳим аҳамиятга эга бўлди, улар туфайли тананинг ўнг ва чап томонларидаги мушакларнинг жойлашишида симметрияга эришилди, техник-тактик ҳаракатларни бажариш техникасига салбий таъсир кўрсатувчи гипертонусни бартараф этишга имкон яратилди.

ХУЛОСА

1. Илмий-усулубий адабиётларни таҳлилий ўрганиш асосида ҳозирги кузда кураш миллий спорт турида ихтисослашаётган курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлик даражасини оширишда уларнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштиришга дифференциал ёндашувнинг йўқлиги ва бу соҳада илмий изланишлар етарли эмаслиги аниқланган.

2. Эндо-мезоморф соматотип кўпроқ миллий кураш билан шугулланадиган спортчиларда, эркин курашчиларда ва самбочиларда учрайди. Экто-мезоморф компонент кўпроқ юнон-рум курашчилари ва дзюдочилар учун хос бўлган соматотип деб ҳисоблаш мумкин. Динамик кузатувлар ва ўтказилган тадқиқотлар асосида мувозанатли-мезоморф соматотипига эга бўлган спортчиларнинг мослашиш имкониятлари кенг ва турли йўналишдаги юкламалар таъсирида уларнинг соматотиплари самарали ва ташланган спорт тури талабларига жавоб бера оладиган тарзда шаклланиши мумкинлиги аниқланган.

3. Курашчиларнинг PWC₁₇₀ бўйича умумий жисмоний ишчанлик қобилиятининг мутлақ ва нисбий қиймаглари таҳлил қилинган. Жисмоний

ишчанлик қобилияти энг юқори бўлган 6 нафар спортчи аниқланиб, уларда жисмоний ишчанлик қобилияти кийматлари 250,6-286,4 ватт атрофида ўзгариб турган ва бу қийматлар ҳам аъло натижа сифатида баҳоланган. Ўрта баҳоланган курашчиларнинг жисмоний ишчанлик қобилияти 196,0 ваттни ташкил қилган. Натижада келажаги порлоқ 5 спортчи аниқланиб, уларнинг нуфузли мусобақаларда юксак натижа бериши башорат қилинган.

4. Ажратиб олинган 30 нафар курашчилар тана узунлиги бўйича тақсимланган. Тик турганда, чапга, олдинга, ўнгга максимал эгилганда тушадиган УОМ вертикали узунлигини ҳисоблаш бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар қуйидагиларни аниқлаб берганки, тана узунлиги турлича бўлганда тана умумий оғирлик марказининг жойлашиши ҳар хил бўлади, бироқ илк бор тана узунлиги ҳатто бир хил бўлганда ҳам тананинг УОМ вертикали узунлиги ўзгариб туриши ва тана, оёқ-қўллар узунлиги ҳар хил бўлганлиги сабабли турли хил қийматларга эга бўлиши аниқланган.

5. Курашда анъанавий ажратиладиган 4 та фаза ўрнига, 5 та фаза ажратилиб, биринчи фаза сифатида, адабиётларда берилганидек, «ушлаб олиш» фазаси эмас, балки «тик туриш» фазаси ажратилган. Бу фазани биз старт кучи ривожланадиган старт олди ҳолати сифатида баҳоладик. «Тик туриш» ҳолатининг анатомик ва биомеханикавий тахлили амалга оширилган. Кураш миллий спорт турида стартдаги ҳаракатлар билан танани тез силжитиш ёки турли хил техник-тактик ҳаракатларни бажаришда вазиятларни ўзгартириш бошланади. Биринчи ҳаракат билан бундай старт ҳолати старт кучининг пайдо бўлишига ёрдам беради. У кейинги маҳкам «ушлаб олиш» техник ҳаракати фазасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни таъминлаши аниқланган.

6. Ташлаш ҳаракатларининг ҳар бир фазаси, хусусан, тик туриш фазаси, ушлаб олиш фазаси, танани мувозанатдан чиқариш фазаси, усули (ташлашни) бажариш фазаси ва йиқитиш фазасининг морфобиомеханикавий тахлили ўтказилган. Ҳар бир фаза бўйича етакчи ва ёрдамчи мушаклар ажратилиб, УОМ нинг (таянч майдонига нисбатан тананинг умумий оғирлик марказининг) жойлашишини ҳисобга олиш амалга оширилган (танани мувозанатдан чиқариш шунга боғлиқ), оёқ-қўллар бўғимлари иши тахлил қилинган. Курашчилар томонидан ташлаш ҳаракатлари элементларини бажаришда ва эгаллашда йўл қўйилиши мумкин бўлган техник хатолар ўз исботини топган ва бартараф этилган.

7. Тана мувозанатини сақлашининг шарт-шароитлари ўрганилганда текшириладиган курашчиларнинг 30% да гавда ва тос соҳасида мускул асимметрияси ва гипертонус ҳолатда бўлиши аниқланган ва релаксацион (бушаштиришга йўналтирилган) машқлар комплекси тана мушаклари гипертонусини бартараф этишга ёрдам берган, жароҳатланишнинг олдини олишга имкон яратган, чунки юқорида айтиб ўтилган мушакларнинг ўта зўриқиши чанокнинг танага нисбатан ҳолатининг ўзгаришига, оёқ-қўллар бўғимларининг ортиқча юкланишига, тана оғирлик марказининг силжишига ва курашчи танаси мувозанатининг камайишига олиб келган ва натижада

спортчилар томонидан техник-тактик ҳаракатларнинг ҳар бир элементини аниқ бажарилиши яхшиланган ва бу махсус ҳаракат сифатларининг 10,4% гача ошишига хизмат қилган.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Кардиореспиратор тизим таркибига юрак, қон, қон томирлари ва нафас олиш тизими киради. Кардиореспиратор тизимнинг захира имкониятлари қанча юқори бўлса, жисмоний ишчанлик қобилияти шунча юқори бўлади. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотда гемодинамика кўрсаткичларидан ташқари, куйидаги ахборотли кўрсаткичлар қўлланилди: ҚДХ, КМЎ, ЎТС, жисмоний ишчанлик қобилияти (PWC_{170}), ГСТИ. Ушбу кўрсаткичларнинг паст қийматларида спортчиларнинг жисмоний ишчанлик қобилияти ва организмнинг тикланиш имкониятлари паст ва бундай кўрсаткичларга эга спортчилар гуруҳининг келажаги йўқ, уларни саралаб чиқариб юбориш тавсия қилинади.

2. Мураббийлар кураш миллий спорт турининг техник-тактик ҳаракатларига курашчиларни ўргатишда, хусусан, ташлаш ҳаракатлари элементларини ўзлаштиришда куйидаги техник хатоларга йўл қўйилишини билишлари муҳим: 1) қадам ташлашда оёқларни нотўғри қўйиш; 2) агар ҳужум қилаётган курашчи рақибини бўш кучоклаб олса ; 3) қадам ташлашда рақибнинг кўкрак қасаси ҳужум қилаётган курашчининг кўкрак қасасига нисбатан пастроқ турса, бу ҳолат куйидаги хатоларга олиб келади: агар ҳужум қилаётган курашчининг зарба ҳаракати эртароқ ёки кечроқ амалга оширилса ёки ҳужум қилаётган курашчи оёқлари учидан кўтарилиб ҳаракатни бажарса, у олдинга, тиззаларига йиқилиши мумкин.

3. «Танани мувозанатдан чиқариш» фазасини бажаришда тана тузилиши типига катта аҳамият қаратилади. Брахиоморф типига мансуб курашчилар УОМ нинг паст жойлашганлиги туфайли долихоморф типидagi курашчиларга нисбатан юқори даражада мустаҳкам ҳолат билан ифодаланади. Долихоморфларда УОМ нинг жойлашиши таянч майдонига нисбатан анча юқорида жойлашган. Ундан ташқари, мураббийлар шуни инобатга олишлари керакки, ушлаб олиш фазасида кафт мушакларига, айниқса, кафт бошланиши соҳаси, билак-кафт бўғимига катта юклама тушади. Кафт узунлиги катта аҳамиятга эга, бармоқ фалангалари қанча узун бўлса, ушлаб олиш шунча маҳкам ва қаттиқ бўлади.

4. Кураш миллий спорт турида барча беллашувлар тик туриш ҳолатида ўтиши сабабли мушаклар жойлашувида билатерал симметриянинг борлиги катта аҳамиятга эга, у техник-тактик ҳаракатларнинг бажарилиши самарадорлигига таъсир кўрсатади. Курашчилар танаси соҳасида гипертонус аниқланганда ва шу сабабли асимметрия ҳолати пайдо бўлганда техник-тактик ҳаракатларни бажариш сифати пасаяди, жумладан, елка ҳаракатлари амплитудаси камаяди, рақибнинг тана оғирлик марказини силжитиш имконияти йўқолади, 3-фаза - рақибни мувозанатдан чиқариш фазасини бажариш имконияти бой берилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**
**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ФИЗИЧЕСКОЙ
КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

БОБОМУРОДОВ ФЕРУЗ ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ
ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ КУРАШИСТОВ С УЧЕТОМ
МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ**

**13.00.04 – Теория и методика физического воспитания
и спортивной тренировки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Ped.444

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете физической культуры и спорта

Автореферат диссертации на трёх (узбекском, русском, английском (резюме)) языках, размещен на web-сайте Научного совета по адресу (www.uzdjtsu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Вардишвили Исо Расулович**
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Алламуратов Шухратулла Иноятович**
доктор биологических наук, профессор

Бакисв Зафар Абдушукурович
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Кракалпакский государственный университет имени Бердаха**

Защита диссертации состоится «29» «декабрь», 2020 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. при Узбекском государственном университете физической культуры и спорта по адресу: 111709, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Спортчилар, дом 19. Тел: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, административный корпус Б, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета физической культуры и спорта (зарегистрирована за 21/394) по адресу: 111709, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Спортчилар, дом 19.

Автореферат диссертации разослан «15» «декабрь» 2020 года
(реестр протокола рассылки № 16 от «11» «декабрь» 2020 года).



М.Р. Болтабаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.э.н, профессор

М.Х.Миржамолов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н.п.н., доцент

Б.Б. Мусаев
Заместитель председателя научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном спортивном мире наблюдается тенденция развития национальных видов спорта и в частности, «миллий кураш», который уже давно получил международное признание. Использование на международных спортивных аренах таких терминов как «чала», «ёнбош», «халол», «талбех», «дакки», «гирром», способствовали признанию узбекского национального вида борьбы. Национальный вид борьбы-кураш отличается от других видов борьбы своей яркостью самобытностью и ведением честных приемов борьбы, ряд организационных мероприятий претворяется на практике в целях включения «миллий кураш» в программу Олимпийских игр. В целом теория и методика спортивной борьбы располагает существенным количеством относительно завершенных научно-исследовательских работ, в которых рассматривалась проблема повышения физической и технической подготовленности борцов.

В мире был проведен ряд исследований по научным основам тренировочного процесса борцов, регулирования тренировочных нагрузок. Недостаточно исследований по совершенствованию технико-тактических движений на основе биомеханического анализа движений при реализации технического приема «метание» с учетом строения тела национальных борцов. В частности, в процессе подготовки спортсменов не проводился тщательный анализ научных исследований, основанных на их морфологических, функциональных, генотипических характеристиках. Решение этой проблемы в первую очередь связано с важностью фундаментальных знаний о процессах, происходящих в организме спортсменов в результате воздействия больших физических нагрузок, а также с тем, что тренеры обладают такими знаниями.

В настоящее время в республике проблеме развития национальных видов спорта и народных игр, созданию условий для развития массовой физической культуры остаётся одним из важнейших направлений государственной политики «создание условий для развития и популяризации национальных видов спорта и народных игр Узбекистана¹». Для достижения курашистами высоких результатов необходимо разработать комплексы средств и методик совершенствующих их технико-тактическую подготовленность. В значимых трудах отечественных и зарубежных авторов показано, что кураш является разновидностью спортивных единоборств, представляет собой ситуационный вид спорта, основан на овладении разнообразными двигательными навыками, характеризуется постоянно меняющимися ситуациями, возникающими в процессе схватки действующими сбивающими факторами, которые возникают вследствие активного контакта с соперником, развития основных слагаемых физической подготовленности. Востребованность данного исследования обусловлена тем, что наряду с многочисленными исследованиями по изучению технико-тактического мастерства борцов, практически не уделяется внимания

¹Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-394 «О физической культуре и спорте» (новая редакция) от 4 сентября 2015 г. Lex.uz.

изучению и обоснованию новых педагогических средств и методов спортивного совершенствования в таком виде спортивных единоборств, как кураш.

Закон Республики Узбекистан от 4 сентября 2015 г. № ЗРУ-3994 «О физической культуре и спорте», 2017 г. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 г. № 893 «О мерах по дальнейшему развитию и популяризации национального спорта «Кураш»» ПП-3306 от 2 октября 2017 г. Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Постановлении «О праве» и других нормативных актах в этой области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-правовенное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Современный спорт высших достижений с физическими нагрузками предъявляет повышенные требования к организму спортсменов. Физические нагрузки, как показывают исследования Ф.А.Керимова, Р.Д.Халмухамедова, В.И.Дубровского Н.Д. Гравской, П.В. Родичкина, М. R. Guigan можно рассматривать как экстремальные условия, требующие максимально возможной мобилизации функциональных резервов организма спортсменов².

Проблема интенсивного отбора индивидов, обладающих специфическими морфофункциональными показателями, которые при соответствующей тренировке обеспечивают возможность достижения рекордного результата исследована в работах Д.Д.Сафаровой, И.К.Забалуевой, Е.М. Комиссаровой, Т.В. Панасюка, Н.Ю. Неробеева³.

Морфологические характеристики строения тела спортсмена, отдельные параметры двигательной деятельности, некоторые физиологические показатели, являющиеся интегративными показателями физической работоспособности либо показателями на выносливость к различным нагрузкам, раскрыты в работах, Д.Д.Сафаровой², А.Н.Похачевского, А. Иванова⁴.

² Халмухамедов Р.Д. Динамика показателей общей физической подготовленности юных борцов на этапах подготовки. // Теория и практика физической культуры и спорта, Москва, 2008. - С. 53-54; Дубровский В.И. Спортивная медицина. - М.: ВЛАДОС, 2002. - 510 с. (стр. 66,191, 231 -235, 266- 392); Гравская Н.Д. К вопросу об организации и методике врачебных наблюдений за высококвалифицированными спортсменами. //Современный олимпийский спорт и спорт для всех: УШ международный научный конгресс. -М., 2003. -С.40; McGuigan M.R. Relationship between isometric and dynamic strength in recreation ally trained men/ McGuigan M.R., J.B.Winchester, T Eiterson // Journal of Strength and Conditioning Research – 2010, Vol. 27, N9, P-2570 – 2573

